

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**572 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш
ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2404*

(2013 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 569-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ микдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 81, 2011-39-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2301, 2011 йил 16 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 540-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2013 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 декабрь,
85-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 декабрь,
2012-37-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2012 йил 6 декабрдаги
85, 2012-37-сон қарорига
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар* учун энг кам
улгуржи-сотиш ва чакана
НАРХЛАР**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	2750	3350
Коньяк, ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	6250	7600

* Пиводан ташқари.